

Битта кўйлакли раҳбар



16:00 / 03.02.2023 2445

Маслама ибн Абдулмалик айтади: “Умар ибн Абдулазиз бемор бўлиб ётганда, уни кўргани кирдим. Устидаги кўйлаги бироз кирланиб қолибди. Аёли Фотимага қараб: «Эй Фотима, мўминлар амирининг кўйлагини ювиб бер!» дедим. У «Инша Аллоҳ, бажарамиз» деди. Кейин беморни кўргани яна кирдим. Қарасам, кўйлак ҳалиям ювилмаган ҳолда турибди. «Эй Фотима, сенга мўминлар амирининг кўйлагини ювиб бергин деб буюрмаганмидим? Ахир одамлар бу кишини кўргани киришади-ку!» дедим. Шунда синглим: «Аллоҳга қасамки, у кишининг бундан бошқа кўйлаги йўқ» деб жавоб берди».

Ҳоний Ҳожининг «Солиҳлар ва солиҳалар, зоҳидлар ва зоҳидалар ҳаётидан минг бир қисса» китобидан

Нозимжон Ҳошимжон таржимаси